

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИЕВА РАЪНО БУРХАНОВНА**

**ЮРАКНИНГ ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА  
ОИЛАВИЙ ГИПЕРХОЛЕСТЕРИНЕМИЯНИНГ КЛИНИК-  
БИОКИМЁВИЙ ВА СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Алиева Раъно Бурхановна**

Юракнинг ишемик касаллиги бўлган беморларда оилавий гиперхолестеринемиянинг клиник-биокимёвий ва структур-функционал хусусиятлари ..... 3

**Алиева Раъно Бурхановна**

Клинико-биохимические и структурно-функциональные особенности семейной гиперхолестеринемии у больных ишемической болезнью сердца ..... 21

**Aliyeva Ra'no Burhanovna**

Clinical, biochemical and structural-functional features of familial hypercholesterolemia in patients with coronary disease hearts ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИЕВА РАЪНО БУРХАНОВНА**

**ЮРАКНИНГ ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА  
ОИЛАВИЙ ГИПЕРХОЛЕСТЕРИНЕМИЯНИНГ КЛИНИК-  
БИОКИМЁВИЙ ВА СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2019.3PhD/Tib720 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шек Александр Борисович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Абдуллаев Акбар Хотамович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети Олий таълимнинг федерал давлат автоном таълим муассасаси (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018. Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./факс: (99871) 234-16-67; e-mail: [cardiocenter@mail.ru](mailto:cardiocenter@mail.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси 4-уй. Тел./факс: (99871) 234-16-67).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Д.Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Г.У.Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Т.А.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия (ГеОГ) – қуйи зичликка эга липопротеинлар холстеринининг кўтарилган даражаси (ХС ЛПҚЗ), атеросклеротик юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) эрта ривожланишининг аҳамиятли юқори хавфи ҳамда 50% ирсий давом этиш эҳтимоли билан характерланувчи генетикага боғлиқ касаллик ҳисобланади. Яқинда амалга оширилган эпидемиологик ва генетик тадқиқотлар касалликнинг умумий популяцияда 200 нафар аҳолига ГеОГ≈1 тарқалганлигини кўрсатди ва ушбу ҳолат «АҚШ аҳолиси учун 300 миллион аҳолининг камида 1,5 миллионида ГеОГ бўлиши мумкин»<sup>1</sup> лигидан далолат беради. Ушбу энг кенг тарқалган ирсий касалликнинг клиник аҳамияти шундаки, «юракнинг ишемик касаллиги (ЮИК) эрта ёшда – эркакларда 30 ёш ҳамда аёлларда 40 ёшдан кейин ривожланади»<sup>2</sup>, ҳар йили миокард инфарктдан азият чекувчи барча касалларнинг 20% гачасини ўз вақтида ташхисланмаган ГеОГ бўлган беморлар ташкил этади.

Жаҳонда юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) юқори хавфи бўлган беморларни эрта ташхислаш, уларда юрак ишемик касаллиги ва бош миёда қон айланиши бузилишининг олдини олиш чора-тадбирлари самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ГеОГ, жумладан, ОГХСни генетик верификация ёрдамида эрта аниқлаш усулларини оптималлаштириш, касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ОГХСли беморларда қондаги PCSK9 даражаси ва PCSK9 гени E670G полиморфизмининг баҳолашга асосланиб ЮҚТК асоратлари ривожланишининг башоратлаш, қўлланиладиган патогенетик даволашни индивидуаллаштириш ва оптималлаштириш ушбу соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослаштирилган сифатли кардиологик тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини амалиётга жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг янги босқичга кўтаришда «тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг яхшилаш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишининг ва умр узайишининг таъминлаш»<sup>3</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда юрак-қон томир касалликларида ўлим ҳолати ҳамда ногиронликнинг олдини олиш бўйича чора-

<sup>1</sup>Nordestgaard B.G. et al. Familial hypercholesterolaemia is underdiagnosed and undertreated in the general population: guidance for clinicians to prevent coronary heart disease: consensus statement of the European Atherosclerosis Society, 2013.

<sup>2</sup>Guella I. et al. Effects of PCSK9 genetic variants on plasma LDL cholesterol levels and risk of premature myocardial infarction in the Italian population, 2010.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни соғлиқни сақлашнинг бошқа бўғинларига татбиқ этиш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятиниянада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «2019-2022 йилларда юкумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турли мамлакатларда амалга оширилган кўп сонли тадқиқотлар ва адабиётлар маълумотларидан маълумки, гепатоцитлар юзасида ЛПҚЗ рецепторларини деградациялашни кучайтириш йўли билан липопротеидларнинг қуйи зичлиги клиренс холестеринини шикастловчи протеинни циркуляцияловчи пропротеин конвертаза субтилизин кексин 9 типидagi (PCSK9) резистент дислипидемия, жумладан, ГеОГ пайдо бўлишига таъсир кўрсатувчи марказий механизмлардан бири бўлиб ҳисобланади (Seidah N.G et al., 2014). Шунинг учун PCSK9 га бугунги кунда фарматерапия учун муҳим объект ҳамда юрак-қон томир касалликлари клиник кечиши хавфи ва башоратининг янги маркери сифатида қаралади.

PCSK9ни ингибирловчи моноклонал антитана (МКА) юқори хавф гуруҳидаги беморларда ЛПҚЗ (ЛПҚЗ–ХС) холестерини даражасини 55–72% пасайтиради ва ХС ЛПҚЗни ҳам, PCSK9ни ҳам бир хилда самарали камайтирувчи асосий восита бўлиб ҳисобланади (Annemans L et al., 2018; Rosenson RS et al., 2018). Бироқ МКАнинг жуда қимматлиги сабабли кўплаб мамлакатларда ундан фойдаланиш чегараланган.

Республикада атероген гиперхолестеринемияли, шунингдек, ГеОГ бўлган беморлар қонидаги PCSK9 даражаси ҳанузгача тадқиқ этилмаган, шу билан бирга PCSK9 нинг ирсий гиперхолестеринемияни чақирувчи генетик полиморфизмлари ҳам ўрганилмаган. Бироқ тадқиқотларда генлар полиморфизми билан липидтранспорт тизими, ангиотензин-бартараф этувчи фермент гени I/D полиморфизми билан юракнинг ишемик касаллиги оилавий анамнези (Бекметова Ф.М. ва ҳаммуалл., 2013; Курбанов Р.Д. ва ҳаммуалл., 2013) ўртасидаги боғлиқлик, шунингдек, липид алмашинувини тартибга солувчи турли генлар полиморфизмига боғлиқ ҳолда ЮИК бўлган беморларни даволаш ва реабилитациясида статинларни қўллаш (Абдуллаев А.Х. ва

ҳаммуалл., 2016; Абдуллаев А.Х. ва ҳаммуалл., 2017) имкониятларини баҳолаш ўрганилган. Бу борада мамлакатимизда ОГХСнинг тарқалиши, у билан боғлиқ бўлган юрак ишемик касаллиги кечилишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, генетик полиморфизмларга асосланиб эрта ташхислаш ва даволашнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган Кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ–20170912103 «ЮИК бўлган беморларда фармакогенетик усуллар ҳамда маҳаллий гиполипидемик воситаларни қўллаш орқали атероген резистент дислипидемияни даволаш ва хавф-стратификация, эрта ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш» (2011–2016) амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда проконвертин субтилизин-кексин конвертаза 9 типи ва магистрал артериялардаги структур-функционал ўзгаришлар билан боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемияни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия бўлган беморларда юракнинг сурункали ишемик касаллиги клиник кечиш хусусиятини баҳолаш;

гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия ва оилавий бўлмаган гиперхолестеринемия бўлган беморларда субтилизин-кексин конвертазали 9 типи даражасига боғлиқ ҳолда яллиғланиш маркерлари, қоннинг липид спектри ўзгаришларини баҳолаш;

гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия ва оилавий бўлмаган гиперхолестеринемия бўлган беморларда E670G (rs505151) гени полиморфизми тақсимланиши, унинг касалликнинг клиник кечиши билан боғлиқлиги, липидлар даражаси, яллиғланиш маркерлари ва қонда проконвертин субтилизин-кексин конвертазали 9 типини аниқлаш;

гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия ва оилавий бўлмаган гиперхолестеринемия бўлган беморлар қонида проконвертин субтилизин-кексин конвертазали 9 типи даражаси ва E670G (rs505151) гени полиморфизмига боғлиқ ҳолда магистрал томирлар структур-функционал ўзгаришларини асослаш;

оптимал гиполипидемик терапия схемасини ишлаб чиқиш учун розувастин ва уни фенофибрат билан комбинациялаб қўллаш монотерапиясининг қонда липидлар даражаси, яллиғланиш маркерлари ҳамда проконвертин субтилизин-кексин конвертазали 9 типига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида юракнинг барқарор сурункали ишемик касаллиги билан кузатувда бўлган 201 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб беморларнинг вена қони ва зардоби ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда клиник, лаборатор-биокимёвий, молекуляр-генетик, инструментал, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек популяциясида юракнинг сурункали ишемик касаллиги ва гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия бўлган беморларда қондаги проконвертин субтилизин-кексин конвертазали 9 типи (PCSK9) даражаси баҳоланган;

илк бор ўзбек популяциясида оилавий бўлмаган гиперхолестеринемияли беморлар ва соғлом шахслар билан таққосланганда қондаги проконвертин субтилизин-кексин конвертазали 9 типи (PCSK9) даражаси аҳамиятли ошиши исботланган;

илк бор ўзбек популяциясида гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия бўлган беморларда PCSK9 E670G гени полиморфизми G аллеляси тарқалганлиги баҳоланган, унинг қонда PCSK9 даражаси ошиши, қандли диабетнинг юқори частотаси ва юрак-қон томир асоратлари (миокард инфаркти, инсульт) ҳамда брахиоцефал артериялар эгилувчанлик-эластиклик хусусияти билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор клиник тадқиқот натижалари розувастин ва фенофибратнинг комбинацияланган терапиясида PCSK9нинг циркуляцияловчи даражаси даволашдан 3 ой ўтгандан кейин розувастин билан монотерапия қабул қилган беморлар гуруҳи билан таққосланганда ишончли кўтарилмаганлиги кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек популяциясида гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемияни кеч ташхислаш ЮИК ва унинг асоратлари – инфаркт, инсульт, тери орқали коронар аралашувларнинг эрта ривожланишига олиб келишини назарга олган ҳолда биринчи навбатда анамнезида ирсий ЮИК бўлган ёшларда Голланд диагностик мезонларидан фойдаланган ҳолда амбулатор бўғимда липид текширувлар такомиллаштирилган;

қонда PCSK9 даражаси, PCSK9 гени E670G полиморфизмини баҳолаш ташхисни тасдиқлаш ва даволаш тактикасини танлаш имконини беради, бироқ бунинг ҳамини ҳам иложи бўлмаслигини эътиборга олган ҳолда мураккаб вазиятларда интиммедиа қалинлиги (1,1 мм дан кўпроқ) ҳамда эгилувчанлик-эластиклик хусусияти (Петерсоннинг >460 кра дан юқори эластиклик модули) ёшга нисбатан (<50 ёш) ташхиснинг тасдиқланишида муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

қонда PCSK9 даражаси ошган ГеОГли беморлар статинлар қабул қилиш фонида розувастин ва фенофибратнинг комбинацияланган терапияси учун кўрсаткичларни аниқлаш мақсадида липидолог консултациясини олишлари зарурлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, маълумотларга

статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олиб борилган иммунофермент текширувлар ва ўзбек популяциясида ГеОГ бўлган беморларни генотиплаштириш асосида уларнинг қонда PCSK9 даражасининг ошиши ҳамда G аллеля ташувчилар билан боғлиқлиги аниқланди, бу миокард инфаркти ва инсульт хавфининг ошиши, томирларнинг эгилувчанлик-эластиклик хусусияти камайиши сабабли уларнинг барвақт қаришига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ГеОГ ташхисини верификациялаш учун Голланд мезонлари асосида белгиланган ўзбек популяциясида PCSK9 гени E670G полиморфизмидан фойдаланиш таклиф этилди. Мураккаб вазиятларда ёшга нисбатан (<50 ёш) эгилувчанлик-эластиклик хусусиятини (Петерсоннинг эластиклик модули >460 кра дан юқори) баҳолаш ҳам ташхисни тасдиқлашга ёрдам беради. PCSK9 даражаси юқори бўлган ГеОГли беморлар ҳамда розувастин билан монотерапияда ХС ЛПҚЗ ва ТГнинг кўзда тутилган даражасига етиш имкони бўлмаганда розувастин ва фенофибратнинг комбинацияланган терапиясига кўрсатма берилган, тадқиқот давомида унинг қонда PCSK9 концентрациясига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек популяциясида ГеОГнинг генетик ва клиник-биокимёвий хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Уйқу артерияларининг эгилувчанлик-эластиклик хусусиятларини баҳолашдан фойдаланиб оилавий гетерозиготали гиперхолестеринемияни эрта ташхислашнинг ультратовушли усуллари» методик тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 8 н-д/151-сон маълумотномаси). Мазкур методик тавсиялар қиматбаҳо генетик усуллар бўлмаганда томирларнинг эгилувчанлик-эластиклик хусусиятларини баҳолаш асосида ГеОГни эрта аниқлаш усуллари яхшилаш имконини берган;

гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемияни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубларнинг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қарши филиали ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 8 н-д/151-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ГеОГнинг эрта ташхисотини яхшилаш ва инфаркт, инсульт каби юрак-қон томир касалликлари асоратларининг олдини олиш учун беморларда ўз вақтида липид бузилишларни коррекциялашни амалга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 1 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, 7 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, улардан 1 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оилавий гиперхолестеринемияни ташхислаш ва даволашда молекуляр-генетик усулларнинг замонавий аспекти**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича амалга оширилган халқаро илмий-тадқиқотларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Ушбу боб тўртта кичик боблардан иборат бўлиб, бунда ГеОГнинг тарқалганлиги, унинг юрак-қон томир касалликлари эрта ривожланишига таъсири ҳамда унинг асоратлари – ўткир миокард инфаркти, инсульт, кутилмаганда рўй берувчи ўлим ҳолатлари бўйича маълумотлар баён этилган. ГеОГни ташхислашнинг замонавий усуллари ва ташхиснинг генетик верификацияси санаб ўтилган, гиперхолестеринемия ривожланишида проконвертин субтилизин-кексин конвертазининг 9 типи (PCSK9) патогенетик роли, текширишлар асосида унинг магистрал (брахиоцефал) артерияларда атеросклероз ривожланишига таъсири кўрсатилган. Гиполипидемик терапия, жумладан, статинлар ва липид спектрга комбинацияланган терапия, PCSK9 концентрацияси ва юрак-қон томир асоратлари ривожланишига таъсири бўйича тадқиқот маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Гиперхолестеринемияси бўлган беморларнинг клиник-биокимёвий тавсифномаси ва қўлланилган усуллар методологияси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган, тадқиқотга жалб этилган ГеОГли ва кучланишнинг барқарор стенокардияси бўлган беморлар характеристикаси, фойдаланилган усуллар, шунингдек, олинган натижаларни баҳолашга ёрдам берувчи статистик усуллар

келтирилган. Тадқиқотга юракнинг сурункали ишемик касаллиги (ЮСИК) ва оилавий гетерозиготали гиперхолестеринемия (ГеОГ, I гуруҳ) бўлган, тадқиқот бошлангунга қадар статинлар қабул қилмаган 57 нафар беморлар жалб этилган. Таққослаш гуруҳини ГеОГсиз ЮСИК бўлган 144 нафар бемор ташкил этди ва улар А (n=63) – статинлар қабул қилмаган ҳамда В (n=81) – амбулатор босқичда амбулатор амалиётда рутинли ёзиб берилувчи қуйидаги дозаларда статинларни қабул қилган беморлар гуруҳларига ажратилди: симвастатин – 20 мг/сут, аторвастатин – 10–20 мг/сут, розувастатин – 10 мг/сут. ХС ЛПҚЗнинг <70 мг/дл (1,81 ммоль/л) ёки бошланғич ҳолатдан 50%га пасайиши мақсадга мувофиқ даража ҳисобланади. Назорат гуруҳига беморлар гуруҳи билан таққослана оладиган, юракнинг ишемик касаллиги клиник ва инструментал-диагностик белгилари бўлмаган (жисмоний юклама билан тест натижалари бўйича) 17 нафар этник ўзбеклар киритилди.

ГеОГни ташхислаш учун Европа Атеросклероз жамияти томонидан тавсия этилган ташхислашнинг Голланд диагностик мезонлари (DLCN)дан фойдаланилди. Текшириш баённомасига мувофиқ кўриқдан ўтказишнинг қуйидаги босқичлари ажратилди: дастлабки давр ва 3 ой даволаш (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### Барқарор стенокардияли беморларни текшириш баённомаси

Текшириш усуллари	Дастлабки давр	3 ой
Клиник кўрик (САБ, ДАБ ва бошқ.)	+	+
ГеОГни Голланд диагностик мезонлари асосида баҳолаш	+	–
12 та тармоқ асосида ЭКГ	+	+
Жисмоний зўриқиш толерантлигини баҳолаш, холтер бўйича суткалик ЭКГ мониторинглаш (ташхисни верификациялаш учун)	+	–
Биокимёвий: АЛТ, АСТ, билирубин, КФК	+	+
Брахиоцефал артерияларнинг ЭхоКС, УТТси	+	+

Олдинги икки ой давомида юрак ритмининг ҳаётга хавф солувчи бузилишлари, II ва ундан юқори функционал синф (ФС) (NYHA) сурункали юрак етишмовчилиги, сурункали буйрак ва жигар етишмовчилиги бўлган, ўткир миокард инфарктни бошдан кечирган беморлар тадқиқотга киритилмади. Базисли дори-дармонли терапия қуйидагиларни ўз ичига олди: антиромбоцитар (100%), бета-блокаторлар (бисопролол, 60%), зарурат бўлганда ангиотензин-ферментни бартараф этувчи (70%) ингибиторлар ва нитратлар (30%).

Қонда липидларни аниқлаш – умумий холестерин (ХС), ХС юқори зичликка эга липопротеидлар (ЮЗЭЛП), триглицеридлар (ТГ) – ферментатив усулда «Daytona» (RANDOX, Буюк Британия) биокимёвий анализаторида бажарилди. ХС ЛПҚЗ концентрацияси Фридвальднинг қуйидаги формуласи бўйича аниқланди:  $ХС\ ЛПҚЗ = ХС - ХС\ ЮЗЭЛП - ТГ / 5$  (мг/дл); атерогенлик

коэффициенти (AK)  $AK = (XC - XC_{ЮЗЭЛП}) / XC_{ЮЗЭЛП}$  (нисбий бирлик) формуласи бўйича аниқланди.

**Пропротейнли конвертаза субтилизин-кексинли 9 типи (PCSK9)** стандартлаштирилган усулга мувофиқ «Human Proprotein Convertase 9/PCSK9 ELISA Kit» (MULTI SCIENCE, China) иммунофермент таҳлил усулидан фойдаланиб амалга оширилди.

**Генетик тадқиқот усуллари** Республика ихтисослаштирилган Кардиология Маркази молекуляр генетика ва Артериал Гипертензия лабораторияси ҳамда Илғор технологиялар марказида ўтказилди. 218 та яхлит қон зардобиди ПЦР ПДРФ усули ёрдамида PCSK9 гени E670G (rs505151) полиморфизмига генотиплаштириш бажарилди.

Олинган натижаларга «Statistica 10.0» дастуридан фойдаланиб статистик ишлов берилди. Маълумотларнинг меъерий тақсимланиш қонунига мувофиқлиги баҳоланди. Оралатиб танланган ўртача арифметик  $\bar{X}$ ; оралатиб танланган ўртача квадрат (стандарт) оғиш – SD аниқланди. Натижалар  $\bar{X} \pm SD$  кўринишида тақдим этилди. Сифат кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни топиш учун  $\chi^2$  усули, шунингдек, унча катта бўлмаган танланмалар учун Фишернинг аниқ мезонидан фойдаланилди.

Агар ўрганилаётган ўзгарувчан тақсимланиш меъёрдагилардан фарқ қилса таҳлилнинг нопараметрик мезонлари қўлланилди: жуфт ўлчамлар иккита танланмасидаги фарқларни текшириш учун Вилькоксон мезони; иккита танланма учун Манн–Уитнинг Т мезони; бир нечта гуруҳлар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун – кўплаб рангли таққосланмалар усули, Крускал–Уоллис мезони.

Назарий кутилаётган Харди–Вайнберг тенг тақсимланиш генотиплари частотасининг эмпирик тақсимланишга мувофиқлиги  $\chi^2$  мезони бўйича баҳоланди. Фарқларнинг статистик ишончлилиги учун  $p < 0,05$  қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Хусусий текшириш натижалари**» деб номланган учинчи боби тўртта кичик боблардан иборат. Ушбу бобнинг «**Гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия ва оилавий бўлмаган дислипидемия бўлган беморларда юракнинг сурункали ишемик касаллиги кечишини қиёсий баҳолаш**» деб номланган биринчи кичик бобида тадқиқотга жалб этилган беморлар ГеОГ билан ЮСИК бўлишига қарамасдан таққослаш гуруҳига нисбатан ўртача 12 ёшга ёшроқ бўлишгани (2-жадвал), уларнинг анамнезида миокард инфаркти 1,8 марта (52,6% қарши 29,2% га,  $p < 0,05$ ), инсульт 3 марта (10,5% қарши 2,8% га,  $p < 0,05$ ) ҳамда стентлаш билан тери орқали коронар аралашувлар 2 марта (31,6% қарши 16,7% га,  $p < 0,05$ ) кўпроқ кузатилиши аниқланган.

2-жадвал

**I ва II беморларида бошланғич клиник-гемодинамик кўрсаткичларнинг қиёсий характеристикаси ( $M \pm SD$ , n (%))**

Параметрлар	I гуруҳ, ГеОГ бўлган (n=57)	II гуруҳ, ГеОГ бўлмаган (n=144)
Ўртача ёш, йил	49,3±9,9***	61,4±9,7

Жинс (эркак/аёл)	24/33 (42%/58%)	70/74 (48,6%/51,4%)
АГ, n (%)	52 (91,2%)	126 (87,5%)
Анамнезида МИ, n (%)	30 (52,6%)*	42 (29,2%)
Диабет	18 (31,6%)	48 (33,3%)
Анамнезида инсулт, n (%)	6 (10,5%)*	4 (2,8%)
Аорто-коронар шунтлаштириш	5 (8,8%)	10 (6,9%)
Тери орқали коронар аралашув	18 (31,6%)*	24 (16,7%)

Эслатма: \*, \*\*, \*\*\* –  $p < 0,05$ ,  $p < 0,01$ ,  $p < 0,001$  I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги.

Бунда ГеОГ бўлган беморлар гуруҳида PCSK9нинг ўртача аҳамияти – 766,3 нг/мл (медиана 661 нг/мл) (3-жадвал) ҳамда ГеОГ бўлмаган беморлар гуруҳида – 657,8 нг/мл (медиана 594 нг/мл), аҳамиятлиси, соғлом шахсларда 2 ( $p < 0,001$ ) ва 1,8 ( $p < 0,001$ ) марта унинг аҳамиятли ошди ҳамда 387,7 нг/мл (376 нг/мл)ни ташкил этди. ГеОГ бўлмаган беморлар гуруҳи алоҳида таҳлил қилинганда аниқландики, кўриққа қадар статинлар қабул қилмаган А кичик гуруҳидаги беморларда PCSK9 нинг ўртача аҳамияти 594,4 нг/мл (медиана 566,0 нг/мл) бўлиб, В кичик гуруҳидаги беморларга нисбатан 19% камроқ, статинлар қабул қилиб даволанган беморларда 704,9 нг/мл (медиана 642,0 нг/мл). Шу билан бирга тадқиқотга жалб этилган ГеОГ бўлган ҳамда статинлар қабул қилмаган беморларда PCSK9 даражаси ГеОГ бўлмаган А кичик гуруҳидаги беморларга нисбатан 29% юқори бўлди ( $p < 0,05$ ).

### 3-жадвал

#### I ва II гуруҳи беморлари қонида липидларнинг дастлабки даражаси, юсСРО ва PCSK9 нинг қиёсий характеристикаси, $M \pm SD$ , n (%)

Параметрлар	I гуруҳ, ГеОГ бўлган (n=57)	II гуруҳ, ГеОГ бўлмаган (n=144)		
		Умумий	А, статинларсиз (n=63)	В, статинлар билан (n=81)
Умумий ХС, мг/дл	354,8±80,2***	178,6±42,	206,3±36,3^^	154,0±29,7
ТГ, мг/дл	225,6±122,7	192,2±119,4	225,0±148,9	174,0±111,3
ХС ЛПЮЗЭ, мг/дл	48,1±12,3	41,6±9,8	41,6±10,8	41,4±9,3

ХС ЛПЖҚЗ, мг/дл	45,6±24,5	38,3±24,0	45,9±29,6	34,3±22,3
ХС ЛПҚЗ, мг/дл	232,5±78,3***	98,4±37,1	124,8±32,4^^	78,1±27,0
Атерогенлик индекси (АИ), нисбий бирлик	6,9±5,6***	3,5±1,2	4,1±1,1^^	3,0±0,9
Глюкоза, ммоль/л	5,8±3,4	5,7±2,6	5,6±1,9	5,8±2,7
юсСРО, мг/л	6,25±3,7	5,8±4,8	7.2±5.8^	5,0±3,7
РССК9, нг/мл	766,3±497,6	657,8±283,0	594.4±240.0*	704,9±311,8

Эслатма: \*, \*\*, \*\*\* –  $p < 0,05$ ,  $p < 0,01$ ,  $p < 0,001$  I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги; ^, ^^ –  $p < 0,05$ ,  $p < 0,01$  – A ва B кичик гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончлилиги.

Ушбу бобнинг «Гетерозиготали оилавий ва оилавий бўлмаган гиперхолестеринемияли беморларда E670G гени полиморфизмининг тақсимланиши, унинг касалликнинг клиник кечиши, қонда липидлар даражаси, яллиғланиш маркерлари ва проконвертин субтилизин-гексин конвертаза 9 типи билан боғлиқлиги» деб номланган иккинчи кичик бобда ГеОГ бўлган ва ГеОГ бўлмаган ҳамда соғлом шахсларда PCSK9 гени E670G (rs505151) полиморфизми аллелеялари ва генотиплари частотаси таққосланган. Унга кўра G аллелеялар миқдори I гуруҳда ( $n=13; 11,4\%$ ) II гуруҳ ( $n=17; 6,0\%$ )га нисбатан 2 марта ҳамда соғлом шахслар (назорат гуруҳи)га нисбатан 3 марта ( $n=7,5; 3,0\%$ ) юқори, бироқ фарқлар ишончсиз характер касб этишди. Ўрганилаётган генотиплар частотаси Харди–Вайнбергнинг тенг тақсимланишига мос келди ( $P > 0,05$ ).

Олинган натижалар таҳлили шундан далолат берадики, ГеОГ бўлган беморлар (I гуруҳ)да G-ташувчанлик миокард инфаркти ( $p < 0,05$ ), инсульт ( $P < 0,05$ ) ва анамнезида аорта-коронар шунтлаштиришнинг ( $p < 0,001$ ) жуда юқори частотаси билан бирга кечди, бу мультифокал атеросклероздан дарак беради. ГеОГ билан ЮСИК бўлган беморларнинг 18 нафари (31,6%)да қандли диабет қайд этилди (I гуруҳ), II гуруҳда уларнинг миқдори юқорироқ бўлди – 48 нафар (33,3%). Бироқ I гуруҳдагиларнинг кўпчилиги G аллеля ташувчилар бўлиб чиқди (82,0% қарши 19,6% га,  $P < 0,001$ ), гарчи II гуруҳда (56,0% қарши 30,5% га) бу фарқлар ишончсиз бўлган бўлса ҳам.

4-жадвал

**PCSK9 гени E670G (rs505151) полиморфизмининг G аллеляларни ташувчиларга боғлиқ ҳолда ГеОГ бўлган ва ГеОГ бўлмаган беморларда дастлабки клиник-гемодинамик кўрсаткичларни таққослаш ( $M \pm SD$ ,  $n$  (%))**

Параметрлар	I гуруҳ, ГеОГ (n=57)		II гуруҳ, ГеОГ бўлмаган (n=144)	
	AA (n=46)	AG + GG (n=11)	AA (n=128)	AG + GG (n=16)
Ўртача ёш, йиллар	48,7±10,1	51,8±9,0	61,6±9,8	59,4±9,0
Жинс (эркак/аёл)	17/29 (37%/63%)	7/4 (64%/36%)	59/69 (46%/54%)	11/5 (69%/31%)
АГ, n (%)	41 (89%)	11 (100%)	111 (87%)	15 (94%)
Анамнезда миокард инфаркти, n (%)	21 (45,6%)	9 (82,0%)*	37 (29,0%)	5 (31,0%)
Диабет	9 (19,6%)	9 (82,0%)*	39 (30,5%)	9 (56,0%)
Анамнезда инсульт, n (%)	3 (6,5%)	3 (27,3%)*	3 (2,3%)	1 (6,2%)
Аорто-коронар шунтлаштириш	1 (2,2%)	4 (36,4%)*	8 (6,25%)	2 (12,5%)
Тери орқали коронар аралашув	13 (28,0%)	5 (45,5%)	21 (16,4%)	3 (19,0%)

Эслатма: \*, \*\*, \*\*\* – p<0,05, p<0,01, p<0,001 AA ва G ташувчилар ўртасидаги фарқлар ишончилиги.

ГеОГ бўлган (n=57) ва ГеОГ бўлмаган (n=144) гуруҳлар беморлари ичида AA ва G ташувчилар ўртасида липид параметрлар, юсСРО, PCSK9 даражаларида ишончли фарқлар бўлмади. Бироқ I гуруҳдаги G ташувчилар ўртасида қонда глюкоза даражаси бирмунча юқори бўлди (6,8±4,6 қарши 4,9±2,2 га, p<0,05), PCSK9 нинг ўртача даражаси эса AA генотиби ташувчиларига нисбатан ишончсиз юқори бўлди (972,3 қарши 718,7 га). Бу ва, шунингдек, PCSK9 даражаси ошишининг бошқа эҳтимолий эффектлари билан ҳам G аллеля ташувчилари ўртасида анамнездаги юрак-қон томир асоратларининг бирмунча юқори частотасини тушунтириш мумкин.

**Бобнинг «Юракнинг ишемик касаллиги билан ГеОГ бўлган ва ГеОГ бўлмаган беморларда PCSK9 даражаси ва PCSK9 генининг E670G генетик полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда брахиоцефал артерияларнинг структур-функционал ўзгаришларини ўрганиш» деб номланган учинчи кичик бобида ГеОГ бўлган беморларнинг уйқу артерияси дуплекс сканирлаш натижалари таққосланганда чап (1,14±0,18, p<0,01 ва ўнг (1,15±0,16, p<0,01) уйқу артерияларининг интим-медиа комплекси қалинлиги таққослаш гуруҳидагиларга нисбатан мос ҳолда 1,05±0,17 ва 1,04±0,18 га баландлиги кўрсатилган. Шунингдек, уларда чап (66,7% қарши 50,0%, p<0,05) ва ўнг (68,4% қарши 43,0%, p<0,01) умумий ҳамда ички уйқу артерияларида атеросклеротик тошмалар миқдори ҳам кўп бўлди. Бунда стенознинг ўртача чап (43,4%) ва ўнг (42,3%) %и таққослаш гуруҳига нисбатан юқори бўлди (мос ҳолда 28,3% ва 27,2%, p<0,05).**

PCSK9 гени E670G полиморф вариантларининг тақсимланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумий ва ички артериялардаги структур ўзгаришлар текширилганда аниқландики, G-аллеля ташувчи ГеОГ бўлган беморларнинг уйқу артерияларида атеросклеротик тошмалар ишончли кўп кузатилди (11 нафар (100%,  $p < 0,05$ ) карши 28 нафар (61%)га), бу, шунингдек, мультифокал атеросклерознинг ўта яққоллигидан далолат беради.

ГеОГ бўлган беморларда уйқу артерияларининг структур-функционал ҳолатини баҳолашнинг муҳимлиги корреляцион таҳлил натижалари билан ҳам тасдиқланади. 5-жадвалдан кўриш мумкинки, ГеОГ бўлган беморлар анамнезида уйқу артериялари интим-медиа комплекси қалинлиги (ИМКҚ) катталиги ва миокард инфаркти (МИ) ривожланиш частотаси ўртасида ижобий корреляцион алоқа мавжуд ( $r = 0,38$ ,  $p < 0,05$ ), бу ИМКҚдан атеросклероз зўрайишининг муҳим прогностик маркери сифатида фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, қонда PCSK9 нинг юқори концентрацияси PCSK9 гени E670G полиморфизми G аллеля ташувчанлик ИМКҚ уйқу артериялари шикастланиши ва, бинобарин, ЮҚТА ривожланиши хавфининг муҳим прогностик маркери ҳисобланади (5-жадвал).

5-жадвал

**ГеОГ бўлган беморларда бошланғич клиник параметрлар ва интим-медиа комплекси қалинлиги ўртасидаги корреляцион алоқани баҳолаш**

Т/р	Параметрлар	r Спирмен	P
1	Ёш	– 0,09	НД
2	Эркак жинси	0,28	НД
3	Қандли диабет	0,25	НД
4	Миокард инфаркти	0,38	<0,05
5	Умумий холестерин	0,07	НД
6	ХС ЛПҚЗ	0,15	НД
7	ТГ	0,02	НД
8	ХС ЛПЮЗЭ	–0,07	НД
9	АИ	0,21	НД
10	Қондаги глюкоза	0,29	<0,05
11	юсСРО	0,05	НД
12	PCSK9	0,31	<0,05
13	G аллеля ташувчанлик	0,39	<0,05

Томир шикастланишларининг эрта маркерларини аниқлаш учун тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ГеОГ (LDLR, PCSK9 генлари полиморфизми) генетик верификацияланиши бўлган 57 нафар кўрикдан ўтказилган беморларда уйқу артерияларининг қаттиқлиги ва чўзилувчанлиги ўрганилди (6-жадвал).

**ОГХС бўлган ва ОГХС бўлмаган беморлар гуруҳида уйқу артерияларини  
дуплекс сканирлаш параметрларининг бошланғич кўрсаткичларини  
қиёсий баҳолаш (M±SD)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>I гуруҳ – ОГХС бўлган, n=57</b>	<b>II гуруҳ – ОГХС бўлмаган, n=144</b>
ИМКҚ чап томондан, мм	1,14±0,18**	1,05±0,16
d чап томондан, мм	6,98±0,93	6,47±0,87
s/d чап томондан	2,60±0,46	2,55±0,35
КИМ ўнг томондан, мм	1,15±0,16*	1,04±0,18
d ўнг томондан, мм	6,74±0,54	6,35±0,83
S/D ўнг томондан	2,57±0,53	2,36±0,42
DC – чўзилувчанлик	12,7±2,7*	11,4±2,3
Қаттиқлик индекси, β	4,3±0,8*	4,0±0,6
Ер (Петерсон модули)	470,8±99,6**	424,7±84,8
Юнга модули	1598,2±394,4	1621,5±542,1
Чап томонда тошма, беморлар миқдори	38 (66,7%)*	72 (50,0%)
Чап томондан стеноз %	43,4±16,5***	28,3±14,1
Ўнг томонда тошма, беморлар миқдори	39 (68,4%)**	62 (43,0%)
Ўнг томондан стеноз %	42,3±17,0***	27,2±14,3

**Эслатма:** \* –  $p < 0,05$ , \*\* –  $p < 0,01$ , \*\*\* –  $p < 0,001$  – ОГХС билан беморлар гуруҳида нисбий фарқлар ишончилиги; систола (Vs) ва диастола (Vd)га қон оқими тезлиги, систолага қон оқиши тезлигининг диастолага қон оқиши тезлигига нисбати (s/d) аниқланди. Ҳар иккала УУАнинг эластиклиги ва қаттиқлиги параметрларини аниқлаш қуйидаги формулалар бўйича амалга оширилди: «кўндаланг» чўзилувчанлик коэффициенти/Distensibility Coefficient/DC=(2x ΔD/ Ddx ΔP) (кПа); қаттиқлик индекси β/Stiffness index  $\beta = \ln(Ps/Pd) / \{(Ds-Dd)/Dd\}$ ; Петерсоннинг эластиклик модули/Petersons elastic modulus/ Ер=ΔPxDd/ΔD (кПа).

Бунда, шунингдек, ўнг ва чап томон ИМКҚ катталиклари аҳамияти, λ Колмогоров–Смирнов мезонларидан фойдаланиш билан бир қаторда Голланд мезонларидан фойдаланиб скрининг усулида аниқланувчи оилавий ГеОГ таъхисини тасдиқлаш имконини берувчи томирлар эрта шикастланишининг диагностика мезонлари ҳам белгиланди:

1. Ёш < 50 ёш;

2. Бунда ИМКҚнинг ҳар икки томондан катталашиши 1,12 мм дан кўпроқ ҳамда чўзилувчанлик индекси – Петерсон эластиклик модули >460 кра.

Ушбу бобнинг «ГеОГ бўлган ва ГеОГ бўлмаган беморларда монотерапия ва комбинацияланган даволашдан кейин 3 ой ўтгач, юсСРО ва циркуляцияловчи PCSK9, қондаги липидлар даражаси динамикасини таққослаш» деб номланган тўртинчи кичик бобида ЮИК билан ГеОГ бўлган

беморларда розувастин (20 мг/сут) билан монотерапия ва розувастин (20 мг/сут) ҳамда фенофибрат (145–240 мг) билан комбинацияланган терапия натижалари ўрганилган (3 ой). I гуруҳ (монотерапия) ГеОГ бўлган 21 нафар бемордан иборат бўлди. Беморларнинг II гуруҳида розувастин (20 мг/сут) билан даволашга 145 мг/сут дозада фенофибрат қўшилди. Улардан 5 нафар (23,8%)ида комбинацияланган терапия тайинланганидан кейин мушаклардаги заифлик ва оғриқ каби ножўя таъсирлар кузатилди ва улар тадқиқотдан четлатилди.

Шу билан бирга ГеОГли беморларнинг кичик гуруҳларида розувастин билан монотерапия (А, n=21) ва розувастин ҳамда фенофибрат билан комбинацияланган терапияда (В, n=16) жинс-ёш ва клиник кўрсаткичлар бошланғич натижалар бўйича фарқ қилмади (7-жадвал).

#### 7-жадвал

### Розувастатин (А) ҳамда комбинацияланган терапия (В) қабул қилган ЮИК билан ГеОГ бўлган беморларда жинс-ёш ҳамда клиник кўрсаткичларнинг қиёсий характеристикаси (M±SD, n (%))

Параметрлар	А, ГеСГ (n=21)	В, ГеСГ (n=16)
Ўртача ёш, йил	50,6±8,9	50,5±7,7
Жинс (эркак / аёл)	9/12 (42,9%/57,1%)	8/8 (50,0%/50,0%)
АГ, n (%)	20 (95,2%)	14 (87,5%)
Анамнезда МИ, n (%)	10 (47,6%)	9 (56,3%)
Диабет	9 (42,9%)	8 (50,0%/50,0%)
Анамнезда инсульт, n (%)	2 (9,5%)	2 (12,5%)
Аорто-коронаре шунтлаш	2 (9,5%)	2 (12,5%)
Тери орқали коронар аралашув	6 (28,6%)	3 (18,8%)

Даволашдан кейин 3 ой ўтгач, ҳар иккала кичик гуруҳларда ҳам умумий ХС ва ХС ЛПҚЗ даражаси ишончли пасайди (8-жадвал). В кичик гуруҳида ТГ ва ХС ЛПЖҚЗ даражаси ҳам ишончли камайди, бу пайтда А кичик гуруҳида фақатгина уларнинг камайишга томон тенденцияси кузатилди холос.

#### 8-жадвал

### ЮИК билан ГеОГ бўлган беморларда розувастатин (А кичик гуруҳ) ҳамда комбинацияланган терапия (В кичик гуруҳ) билан даволангандан кейин 3 ўтганда юсСРО ва циркуляцияловчи PCSK9, қонда липидлар динамикаси даражаси (M±SD, n (%))

Параметрлар	А гуруҳ, ГеОГ бўлган (n=21)		В гуруҳ, ГеОГ бўлмаган (n=16)	
	Дастлабки ҳолат	3 ой	Дастлабки ҳолат	3 ой
Умумий ХС, мг/дл	333,5±74,5	233,0±61,5**	350,4±132,5	220,0±41,8**

ТГ, мг/дл	260,3±135,4	186,5±93,4	270,8±136,1	152,1±33,5*
ХС ЛПНЗ, мг/дл	46,8±10,5	46,9±10,4	46,0±12,6	47,3±9,6
ХС ЛПЖҚЗ, мг/дл	52,9±27,0	37,6±18,9	53,9±27,3	30,9±6,8*
ХС ЛПҚЗ, мг/дл	216,6±21,3	146,5±58,0**	217,5±72,8	118,9±27,0***
АИ, нисбий бирлик	6,4±3,4	4,2±1,5**	7,4±3,6	4,1±0,8**
юсСРО, мг/л	6,6±3,1	5,7±3,8	8,9±6,3	6,5±4,4
РССК9, нг/мл	730,8±441,4	925,2±364,9**	769,2±285,0	754,3±247,0

Эслатма: \* –  $p < 0,05$ , \*\* –  $p < 0,01$ , \*\*\* –  $p < 0,001$  – бошланғич даражага нисбатан фарқлар ишончилиги (ТГ, ХС ЛПЖҚЗ, юсСРО, РССК9 нопараметрик тақсимланиши бўлган ҳолатда – Вилькоксон ва Манн–Уитни мезони); ^ –  $P < 0,05$  – кичик гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги.

Шу билан бирга ўрганилган кичик гуруҳларда РССК9 даражаси турли йўналишли характерга эга бўлди: даволашгача ва даволанишдан 3 ой ўтганда мос ҳолда А кичик гуруҳида унинг концентрацияси бошланғич даражага нисбатан  $730,8 \pm 441,4$  дан  $925,2 \pm 364,9$  нг/мл гача ўсиб борди ( $P < 0,01$ ), бу пайтда В кичик гуруҳида бошланғич даражалар билан таққосланганда деярли ўзгаришлар бўлмади ( $769,2 \pm 285,0$  ва  $754,3 \pm 247,0$  нг/мл).

## ХУЛОСА

1. Тадқиқотга жалб этилган сурункали юрак ишемик касаллиги ва гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия (ГеОГ) бўлган беморларда жуда ёш бўлишларига қарамадан, анамнезда миокард инфаркти 1,8 марта ( $p < 0,05$ ), инсульт – 3 марта ( $p < 0,05$ ), тери орқали коронар аралашувлар – 2 марта ( $p < 0,05$ ) кўпроқ кузатилди.

2. Гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия бўлган беморларда қондаги проконвертин субтилизин-кексин конвертазали 9 типи (РССК9) даражаси статинлар қабул қилмаган оилавий бўлмаган гиперхолестеринемияли беморларга нисбатан аҳамиятли юқори бўлди ва соғлом шахслар билан таққосланганда ушбу кўрсаткичнинг 2 баравар юқори даражаси кузатилди.

3. Гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия бўлган беморларда – РССК9 концентрациясининг глюкоза ва юсСРО даражаси билан, ГеСГсиз ЮСИК бўлган беморлар гуруҳида эса статинлар қабул қилиш билан ишончли ижобий корреляцион алоқа қайд этилди.

4. Сурункали ЮИК ва гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия бўлган беморларда, гарчи ташувчилар ишончсиз характер касб этса-да, РССК9 гени Е670G полиморфизми G аллели ГеОг бўлмаганлар (17 нафарда, 6,0%)га нисбатан 2 марта (13 нафарда, 11,4%) ҳамда соғлом шахсларга нисбатан 3 марта (1 нафарда, 3,0%) кўпроқ кузатилди. Бунда G-ташувчанлик миокард инфаркти ( $p < 0,05$ ) ва инсульт ( $p < 0,05$ ), анамнезда аорта-коронар

шунтлаштириш ( $p < 0,001$ )нинг жуда юқори частотаси билан бирга кечди, шунингдек, AA генотип билан таққосланганда қандли диабетнинг жуда юқори частотаси билан асоциирланди (82,0% қарши 19,6% га, ( $p < 0,001$ )).

5. Сурункали ЮИК ва гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия бўлган беморларда уйқу артерияларининг ИМКҚ қалинлиги анамнезда нафақат миокард инфарктининг жуда юқори частотаси билан ( $p < 0,05$ ), балки шу билан бирга PCSK9 концентрацияси ва PCSK9 гени E670G полиморфизми G аллели ташувчанлигининг ошиши билан ҳам асоциирланди, бу уларга юрак-қон томир асоратлари хавфининг муҳим маркерлари сифатида қараш имконини ҳам беради.

6. Гетерозиготали оилавий гиперхолестеринемия бўлган беморларда розувастин ва фенофибрат билан комбинацияланган терапияни қўллаш розувастин билан монотерапиядан фарқли ўлароқ, липид спектрга жуда яққол таъсир кўрсатди (триглицеридларнинг камайиши) ва проконвертин субтилизин-кексин конвертазали 9 типли даражасининг бошланғич даражага нисбатан ошишига олиб келмади. Атероген дислипидемия бўлган беморларда комбинацияланган даволашни танлашда тахминан 25% фоиз кўрикдан ўтказилган беморларда кузатилган гиполипидемик терапия билан асоциирланган мушак симптомларининг пайдо бўлишини назорат қилиш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26.04.2018.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР КАРДИОЛОГИИ**

**АЛИЕВА РАЪНО БУРХАНОВНА**

**КЛИНИКО-БИОХИМИЧЕСКИЕ И СТРУКТУРНО-  
ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ  
ГИПЕРХОЛЕСТЕРИНЕМИИ У БОЛЬНЫХ ИШЕМИЧЕСКОЙ  
БОЛЕЗНЬЮ СЕРДЦА**

**14.00.06 – Кардиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

## ТАШКЕНТ – 2019

Тема докторской (PhD) диссертации по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №В2019.3.PhD/Tib720

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Шек Александр Борисович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**  
доктор медицинских наук

**Абдуллаев Акбар Хатамович**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:** **Федеральное Государственное Автономное  
Образовательное Учреждение Высшего Образования  
Первый Московский Государственный Медицинский  
Университет им. И.М. Сеченова МЗ России  
(Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.26.04.2018. Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре Кардиологии (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. Осиё, 4. Тел./факс: (99871) 234-16-67, e-mail: [cardiocenter@mail.ru](mailto:cardiocenter@mail.ru))

С диссертацией можно ознакомиться в информационном отделе Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра Кардиологии (зарегистрирована за № \_\_\_\_). (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. Осиё, 4. Тел./факс: (99871) 234-16-67).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года)

**Р.Д. Курбанов**  
председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
медицинских наук, профессор, академик

**Г.У. Муллабаева**  
ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
медицинских наук

**Т.А. Абдуллаев**  
заместитель председателя научного  
семинара при Научном совете по

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)**

**Актуальность и значимость темы диссертации.** Гетерозиготная гиперхолестеринемия (ГеСГ) – генетически обусловленное заболевание, характеризующееся повышенным уровнем холестерина липопротеинов низкой плотности (ХС ЛПНП), значительно повышенным риском раннего развития атеросклеротических сердечно-сосудистых заболеваний (ССЗ) и 50% вероятностью наследования среди потомства. Недавние эпидемиологические и генетические исследования поддерживают распространенность ГеСГ  $\approx 1$  на 200 населения в общей популяции; так, «для населения США, на 300 миллионов населения не менее 1,5 миллиона американцев могут иметь ГеСГ»<sup>1</sup>. Клиническое значение этого самого широко распространённого наследственного заболевания в том, что «ИБС развивается в раннем возрасте, после 30 лет у мужчин и после 40 лет у женщин»<sup>2</sup>, ежегодно до 20% всех больных, страдающих инфарктом миокарда составляют пациенты, с недиагностированной вовремя ГеСГ.

В мире проводится ряд научно-исследовательских работ по раннему выявлению больных с высоким риском ССЗ, оптимизации профилактики и лечения ишемической болезни сердца, нарушений мозгового кровообращения. Большую актуальность приобретает оптимизация методов ранней диагностики ГеСГ при помощи ее генетической верификации, что будет в конечном итоге способствовать снижению заболеваемости, инвалидности и показателей смертности. В связи с этим, важной проблемой, стоящей перед специалистами этой области является индивидуализация и оптимизация патогенетического лечения ССЗ, основанного на оценке полиморфизма E670G гена PCSK9, а также уровня PCSK9.

В нашей стране реализуются широкомасштабные меры по оказанию качественной специализированной кардиологической помощи населению и внедрению высокотехнологичных методов лечения в практическое здравоохранение. В Стратегии действий Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы поставлены следующие задачи: «улучшение оказания качества медицинской и социально – медицинских услуг, обеспечения снижения заболеваемости населения и увеличения продолжительности жизни»<sup>3</sup>. В этой связи, задача по разработке мер профилактики сердечно–сосудистой инвалидизации и смертности и их

---

<sup>1</sup> Nordestgaard B.G. et al. Familial hypercholesterolaemia is underdiagnosed and undertreated in the general population: guidance for clinicians to prevent coronary heart disease: consensus statement of the European Atherosclerosis Society, 2013.

<sup>2</sup> Guella I. et al. Effects of PCSK9 genetic variants on plasma LDL cholesterol levels and risk of premature myocardial infarction in the Italian population, 2010.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

